ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Назарова Феруза Усмоновна
TMC institute катта ўқитувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.14192022

Мазкур мақола қишлоқ ҳудудларини аниқлаш мезонларининг қиёсий таҳлилига бағишланган. Мақолада қишлоқ ҳудудларини аниқлашга бўлган турли ёндошувлар, қишлоқ ҳудудларининг ривожланиши билан ушбу ёндошувларнинг тадрижий ўзгариши жараёнларни кўриб чиқилган, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида қишлоқ ҳудудларини аниқлаш мезонларига ўзгартиришлар киритиш зарурияти асосланган.

Таянч сўзлар: *қишлоқ ҳудудлари, барқарор ривожланиш, қишлоқ ҳудудларини аниқлаш мезонлари, маъмурий ёндашув, демографик ёндашув, иқтисодий ёндашув, ҳудудий ёндашув, ландшафт ёндашув, комбинацион ёндашув, аҳоли зичлиги.*

Данная статья посвящена сравнительному анализу критериев определения сельской местности. В статье рассматриваются различные подходы к определению сельских территорий, эволюционные изменения этих подходов по мере развития сельских территорий, а также необходимость внесения изменений в критерии определения сельских территорий на современном этапе социально-экономического развития.

Ключевые слова: *сельские территории, устойчивое развитие, критерии определения сельских территорий, административный подход, демографический подход, экономический подход, территориальный подход, ландшафтный подход, комбинированный подход, плотность населения.*

This article is devoted to the comparative analysis of criteria for determining rural areas. The article examines different approaches to defining rural areas, the processes of gradual change of these approaches with the development of rural areas, and the need to make changes to the criteria for defining rural areas at the modern stage of socio-economic development.

Key words: *rural areas, sustainable development, criteria for defining rural areas, administrative approach, demographic approach, economic approach, territorial approach, landscape approach, combined approach, population density.*

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Қишлоқ ҳудудлари улкан иқтисодий, табиий, демографик, экологик ва илмий-маданий салоҳиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш, бу ерда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш республикамиз ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга

мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №5853-сон фармонида қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришга алоҳида урғу берилган[1].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Илмий муаммонинг қўйилиши

Тадқиқот мақсади қишлоқ ҳудудларини аниқлаш мезонларини қиёсий таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонда қишлоқ ҳудудларини аниқлашга бўлган ёндошувни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий моҳияти. Қишлоқ ҳудудларининг барқарор ривожланишини таъминлашда унинг дастурий-услубий жиҳатлари муҳим роль ўйнайди. Бунда уларнинг миқдорий мезонларни аниқлаб олиш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Зеро, қишлоқ ҳудудларини фақат қишлоқ хўжалиги фаолияти ва у билан боғлиқ турмуш тарзи билан тавсифлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда қишлоқ районлари ривожланиши жиддий ўзгаришларга юз тутди. Гарчи иқтисодий адабиётда қишлоқда юз берган ўзгаришлар детерминантлари тўғрисида ягона фикр бўлмаса-да, икки йўналишни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин[2]:

- иқтисодий, ижтимоий ва экологик пасайиш;
- қишлоқ ҳудудларининг эндоген динамикаси туфайли уларнинг қайта тикланиши.

Бу икки йўналиш қишлоқ ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар зиддиятли эканлигидан далолат беради. Иқтисодий ва демографик маълумотлар таҳлилига кўра, 1990-йиллардан бошлаб жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодий, ҳам демографик нуқтаи назардан пасайиш кузатилди[3]. Айни вақтда қишлоқ хўжалигининг ЯИМ ва бандликдаги улуши пасайди, қишлоқ районларидан кўплаб аҳоли кўчиб кета бошлади, фермерларнинг қишлоқ аҳолисидаги улуши камайди.



[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” №5853-сон фармони https://lex.uz/docs/4567334

[2]Chevalier P., Dedeire M., Ghiotti S., Hirczak M. and Razafimahefa L. (2010). L’espace rural euro-mediterraneen: approches methodologique et typologique. Cahiers de geographie du Quebec, vol. 54, n. 152, p. 291-312.

[3]Plieninger T., Draux H., Fagerholm N., Bieling C., Bьrgi M., Kizos T., Kuemmerle T., Primdahl J. and Verburg P.H. (2016). The driving forces of landscape change in Europe: A systematic review of the evidence. Land Use Policy. 57: p.204-214



қ ҳудудла

1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ривожланган мамлакатларда бу ҳолатга тескари тенденция кузатила бошланди ва бу ғарб иқтисодий адабиётида “қишлоқ ҳудудларининг қайта туғилиши” номини олди: биринчидан, қишлоқ районлари иқтисодиётида диверсификация ҳолати кузатила бошланди ва бу, энг аввало, иқтисодиёт учламчи сектори (хизмат кўрсатиш ва туризм)нинг ўсишида акс этди, иккинчидан, янги аҳоли, хусусан, ёшларнинг кўчиб келиши эвазига қишлоқ аҳолисининг сони ўсди[5]. Шу муносабат билан қишлоқ ҳудудларининг янги тавсифларини аниқлаш, шунингдек, бу ҳудудлар қандай таснифланишини белгилаб олиш учун қатор ёндашувлар қабул қилинди. Бу даврда қишлоқ ҳудудлари моҳиятини дихотомик, яъни шаҳар муҳитига қарама-қарши қўйиш асосида ёритиш устувор ўринга эга бўлди. Бошқача қилиб айтганда, нима шаҳарники бўлмаса, у қишлоқники[6], деган қараш асосий ўринга чиқди. Дастлаб қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут битта мезонга асосланди (масалан, аҳоли зичлиги, қишлоқ хўжалигининг мавжудлиги ва бошқалар). Кейинчалик уни моҳиятини ёритиб беришда бир нечта мезонларни ўзида акс эттирувчи ёндашувлар қабул қилинди[7].

Иқтисодий адабиётда келтирилган қишлоқ ҳудудларини аниқлаш мезонларини умумлаштириш унга бўлган 6 та ёндашувни ажратиб кўрсатиш имкониятини беради (1-расм).

Маъмурий ёндашув. Маъмурий ёндашув асосан Шарқий Европа мамлакатларида[8] ва айрим МДҲ мамлакатларида қўлланилади. Масалан, Польшада қишлоқ ҳудудлари шаҳарларнинг маъмурий чегарасидан ташқаридаги ҳудудлар сифатида аниқланади[9].

Польшалик олимлар Бански ва Мазур фикрига кўра, бундай ёндашувнинг ўзига хос камчиликлари мавжуд. Хусусан, бундай ёндашувда баъзан функционал, ландшафт ва таркибий нуқтаи назаридан кўпроқ шаҳар хусусиятларини ўзида акс эттирган йирик шаҳар агломерацияларига йўлдош ҳудудлар қишлоқ ҳудудлари сифатида таснифланса, қўшни қишлоқ ҳудудлари билан зич функционал муносабатларда бўлган ва қишлоқ хусусиятлари (масалан, аҳоли зичлиги ва қурилиш зичлиги паст, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар улуши юқори) устувор ўринга эга кичик

[4] Турли тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан умумлаштирилди.
[5]Framework providing definitions, review and operational typology of rural areas in Europe /www.rural-interfaces.eu
[6]Depraz S. (2007). Quelle methode d'analyse pour le rural centre-europeen? In: Maurel M.-C., Lacquement G. Agriculture et ruralite en Europe centrale. Paris: Aux lieux d'etre. p. 19-35. / https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-01547480
[7]Framework providing definitions, review and operational typology of rural areas in Europe /www.rural-interfaces.eu
[8] Depraz S. (2007). Quelle methode d'analyse pour le rural centre-europeen? In: Maurel M.-C., Lacquement G. Agriculture et ruralite en Europe centrale. Paris: Aux lieux d'etre. p. 19-35. / https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-01547480
[9]Bański J. and Mazur M. (2016). Classification of rural areas in Poland as an instrument of territorial policy. Land Use Policy. 54: 1-17.

шаҳарлар кўпроқ қишлоқ ҳудудлари талабларига кўпроқ мувофиқ келишига қарамасдан шаҳар ҳудудлари саналади.

Демографик ёндашув. Демографик ёндашувда одатда иккита мезондан фойдаланилади: ҳудуд ҳажми ва аҳоли зичлиги. Масалан, Францияда INSEE (миллий статистика институти) муниципалитетларни шаҳар (2000 дан ортиқ аҳоли яшовчи шаҳар ҳудуди) ва қишлоқ (аҳоли сони 2000 кишидан кам шаҳар бўлмаган ҳудуд) ҳудудлари сифатида таснифлаштириш учун аҳоли сонидан фойдаланади. Қабул қилинган чегара кўрсаткичи мамлакатлар бўйича бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Бельгияда бу кўрсаткич 5000 кишини, Испанияда 10000 кишини ташкил этади[10].

Португалия, Нидерландия ва Скандинавиянинг баъзи мамлакатларида қишлоқ ҳудудларини аниқлашда аҳоли зичлиги мезонидан фойдаланилади[11]. Бу мезон турли мамлакатлар ҳажмининг турлича эканлиги туфайли келиб чиқадиган номутаносибликни олдини олиш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ИРҲТ мамлакатларида қишлоқ ҳудудларини белгилаб берувчи чегара кўрсаткичи сифатида аҳоли зичлигидан келиб чиққан ҳолда уч турдаги ҳудудни аниқлаш учун 1 км. кв.га 150 киши бўлган ҳудудлар (Япония ва Корея учун 500 киши км.кв.) қабул қилинган[12]:

- аҳолисининг 85 фоизидан кўпроғи зичлиги 1 кв кмга 150 кишидан ортиқ муниципалитетларда истиқомат қиладиган ҳудудлар шаҳар минтақаси;

- аҳолисининг 50 фоиздан 85 фоизгачаси зичлиги 1 кв. кмга 150 кишидан ортиқ муниципалитетларда истиқомат қиладиган ҳудудлар ярим қишлоқ минтақаси;

- 50 фоиздан кам аҳолиси зичлиги 1 кв. кмга 150 кишидан ортиқ муниципалитетларда яшайдиган ҳудудлар қишлоқ ҳудудлари.

Серрано фикрига кўра, демографик ёндашув асосан ЕИда миллий институциоанал даражада ёки алоҳида, ёки бошқа ёндашувлар билан биргаликда қўлланилади. Гарчи статистик нуқтаи назардан ишончли бўлса-да, бу ёндашувда ҳар бир мамлакатда ишлатиладиган чегара қийматлари масаласи охирига етказилмаган[13].

Ҳудудий ёндашув. Ҳудудий ёндашув қишлоқ жойларини шаҳар ёки шаҳар таъсирига нисбатан аниқлашни ифодалайди[14]. Бу ёндашувда асосий мезонлар шаҳар марказигача бўлган масофа ёки аҳолининг ҳар кунлик иш жойига бориб келиши саналади. Шаҳаргача бўлган масофа қишлоқ аҳолисининг кенг кўламли хизматлар ва имкониятлардан фойдаланиш кўрсаткичини тавсифлаш учун ҳам қўлланилади[15]. Ушбу мезонлардан фойдаланиш асосида аниқланган қишлоқ ҳудудлари тоифалари қишлоқ ҳудудларининг

[10] Chevalier P., Dedeire M., Ghiotti S., Hirczak M. and Razafimahefa L. (2010). L'espace rural euro-mediterraneen: approches methodologique et typologique. Cahiers de geographie du Quebec, vol. 54, n. 152, p. 291-312.
[11] Depraz S. (2007). Quelle methode d'analyse pour le rural centre-europeen? In: Maurel M.-C., Lacquement G. Agriculture et ruralite en Europe centrale. Paris: Aux lieux d'etre. p. 19-35. / https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-01547480
[12] Serrano, J. (2014). Approches de la ruralite dans trois pays europeens (France, Suisse, Pays-Bas). In: Larrue C. Le regime institutionnel d'une nouvelle ruralite. Analyses a partir des cas de la France, des Pays-Bas et de la Suisse. Bruxelles: P.I.E. Peter Lang. p. 25-59.
[13]Serrano, J. (2014). Approches de la ruralite dans trois pays europeens (France, Suisse, Pays-Bas). In: Larrue C. Le regime institutionnel d'une nouvelle ruralite. Analyses a partir des cas de la France, des Pays-Bas et de la Suisse. Bruxelles: P.I.E. Peter Lang. p. 25-59.
[14] Bański J. and Mazur M. (2016). Classification of rural areas in Poland as an instrument of territorial policy. Land Use Policy. 54: 1-17.
[15] Dijkstra L. and Poelman H. (2008). Remote rural regions: how proximity to a city influences the performance of rural regions. Brussels : European Union. p.8. (Regional Focus, n. 1/2008)

шаҳарлар билан интеграциялашганлиги ёки изоляциялашганлиги даражасини ўзида акс эттиради.

Иқтисодий ёндашув қишлоқ ҳудудларини иқтисодий фаолият турига (ихтисослаштирилган ёки диверсификациялашган қишлоқ хўжалиги фаолияти), хусусан, ушбу фаолият турларининг кластерлашганлик ёки тарқалганлик даражасига мувофиқ аниқлайди. Иқтисодий ёндашувга кўра, қишлоқ ҳудудларини тавсифлаш ёки ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад ва хизматлар (соғлиқни сақлаш ва таълим) қиймати каби мезонларга ёки ҳудудий иқтисодиёт тамойилларига асосланган назарий моделни қўллашга асосланади.

Бланк томонидан амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, қишлоқ ҳудудларининг мақоми фойдаланилаётган моделга боғлиқ[16]. У учта ёндашувни алоҳида ажратиб кўрсатади: макон ёндашуви, ҳудудий ёндашув ва конструктивистик ёндашув.

Макон ёндашуви иқтисодий субъектларнинг ресурслардан фойдаланиш имкониятлари, масофа ва транспорт харажатлари нуқтаи назаридан жойлашувини назарда тутади. Бу эса миқёс ҳисобига самара эвазига иқтисодга эришиш учун фаолият турлари ва хизматларнинг кластерлашишига олиб келади. Айни вақтда концентрацияга олиб келмайдиган фаолият турлари тарқалиб кетади. Бу жараён концентрация даражасидан келиб чиққан ҳолда ўз марказлари ва перифериялариға эга кўп босқичли тизимни вужудга келтиради. Фаолиятнинг периферияли турлари интенсив бўлмайди ва асосан табиий ресурслардан фойдаланади, ишчи кучи паст малакали ва диверсификациялашмаган бўлади. Мазкур ёндашув қишлоқ ҳудудларини кластерлашиш жараёнидан ташқарида ва шу сабабли периферия ҳудудлари сифатида аниқлайди.

Ҳудудий ёндашув иқтисодий агентлар ва иқтисодий самарадорлик ҳамда ресурсларнинг янгиланиши омиллари ўртасидаги муносабатларга асосланган. Бундай ёндашувда қишлоқ ҳудудлари ҳам аниқ ресурс, ҳам эндоген ривожланиш учун салоҳият сифатида аниқланади. Ҳудудий ёндашув транснационал (ЕИ, ИРҲТ) институционал даражада кенг тарқалган. “Шаҳар ҳудудлари билан чамбарчас боғлиқликдаги минтақавий ўзаро ҳамкорлик концепцияси” сифатида аниқланадиган қишлоқ ҳудудлари Европа Иттифоқи минтақавий сиёсатининг энг асосий концепцияси ҳисобланади[17]. Бу ёндашув ИРҲТ, ESPON ва EUROSTAT типологиясида ҳам ишлатилади. Масалан, Францияниг статистика институти (INSEE) томонидан 1999 йилда ишлаб чиқилган ва 2010 йилда ўзгартирилган типология иш ўринлари ва қишлоқ муниципалитетларида яшовчи аҳолининг шаҳар марказларидаги иш ўринларига жалб этилиши сонига асосланади.

Конструктивистик ёндашув қишлоқда яшовчиларнинг идрокларига асосланади. Хусусан, фермерлар қишлоқ ҳудудларига иш муҳити ва ресурс сифатида қарасалар, бошқа яшовчилар учун у ландшафт ва уларнинг ҳаёт сифати элементи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ жойлари улар учун турли аҳамиятга эга.

Ландшафт ёндашуви. Сўнгги йилларда қишлоқ ҳудудлари ва уларнинг ижтимоий талабини идрок этишнинг экологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда[18]. Бу эса

[16] Blanc M. (1997). La ruralite : diversite des approches. Economie rurale, n.24 – p:5-12
[17]Rural Development Programmes 2014-2020 //http://ec.europa.eu/agriculture/rural-development-2014-2020/country-files/common/rdp-list_en.pdf
[18] Bański J. and Mazur M. (2016). Classification of rural areas in Poland as an instrument of territorial policy. Land Use Policy. 54: 1-17.

тадқиқотчиларни қишлоқ ҳудудларини аниқлашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишга ундамоқда. Хусусан, экологик география соҳасида ландшафт ва ижтимоий-экологик ёндашувлар вужудга келди. Бу ёндашувларда типик ландшафтларни ажратиб кўрсатиш учун тупроқ қатлами ва иқлим шароитлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади[19]. Масалан, мазкур ёндашувда асосий мезонлар сифатида қурилган биноларнинг зичлиги, урбанизация даражаси, қурилиш майдонининг узлуксизлиги ва ўрмонлар улушидан фойдаланилади.

Таъкидлаш лозимки, бу мезонлар баъзан қишлоқ ҳудудлари таърифига аниқлик киритиш учун демографик ёндашувда ҳам қўлланилади[20]. Масалан, Нидерландияда қишлоқ ҳудудлари турли ландшафт мезонлари бўйича аниқланади ва бу мезонлар орасида 1 км радиусдаги қурилиш биноларининг зичлиги асосий ўринни эгаллайди[21].

Комбинациялашган ёндашув. Комбинациялашган ёндашув юқорида баён қилинган ҳудудий ва иқтисодий[22], ҳудудий ва ландшафт[23] ёндашувларида қўлланиладиган мезонларни бир-бирига боғлайди.

Хулоса ва таклифлар

“Қишлоқ ҳудудлари”нинг миқдорий мезонлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш шундан далолат беради, қишлоқ ҳудудларининг мезонлари муайян йўналишда тадрижий ривожланиб келмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимизда ҳам қишлоқ ҳудудларининг ривожланиш хусусиятлари, тенденциялари ва функцияларини ҳисобга олган ҳолда уларга ягона замонавий таъриф бериш, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида уларнинг миқдорий мезонларини ишлаб чиқиш лозим. Бунда энг аввало, шуни назарда тутиш лозимки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги қишлоқ аҳолисининг ягона бандлик манбаси эмас. Қишлоқда яшовчилар ҳаётида хизмат кўрсатиш, савдо, тадбиркорлик, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ фаолият турлари катта аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ жойларда туризмнинг турли шаклларини ривожлантириш долзарб йўналишлардан бирига айланмоқда. Бу фаолият турлари қишлоқ аҳолисига барқарор даромад олиб келмоқда, уларнинг ҳаёт фаолияти ва ривожланишини таъминламоқда.

Шу билан бирга сўнгги йилларда атроф-муҳит ва экология билан боғлиқ масалалар тобора долзарб тус олиб, қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришда ушбу омилнинг роли

[19] Van Eupen M., Metzger M.J., Pirez-Soba M., Verburg P.H., van Doorn A. and Bunce R.G.H. (2012). A rural typology for strategic European policies. Land Use Policy, 2012/07/01, vol. 29, n. 3, p. 473-482. http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837711000846

[20]Serrano, J. (2014). Approches de la ruralite dans trois pays europeens (France, Suisse, Pays-Bas). In: Larrue C. Le regime institutionnel d’une nouvelle ruralite. Analyses a partir des cas de la France, des Pays-Bas et de la Suisse. Bruxelles: P.I.E. Peter Lang. p. 25-59.; Bontron, J.C. (2015). La dimension statistique de la ruralite : une maniere de lire les representations et les evolutions du rural. Pour, vol. 228, n. 4, p. 57-67.

[21] Serrano, J. (2014). Approches de la ruralite dans trois pays europeens (France, Suisse, Pays-Bas). In: Larrue C. Le regime institutionnel d’une nouvelle ruralite. Analyses a partir des cas de la France, des Pays-Bas et de la Suisse. Bruxelles: P.I.E. Peter Lang. p. 25-59.

[22] Copus A.K. and Noguera J. (2010). A Typology of Intermediate and Predominantly Rural NUTS 3 Regions. Bruxelles: European Union. p.51.

[23]Berchoux T., Watmough G.R., Hutton C.W. and Atkinson P.M. (2019). Agricultural shocks and drivers of livelihood precariousness across rural communities. Landscape and Urban Planning. 189: 307-319.; Dijkstra L., Poelman H. (2018). Regional typologies overview. Brussels: European Union. [Consultй en novembre 2019]. https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Regional_typologies_overview#Urban-rural_typology_including_remoteness

ортмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг замонавий босқичида қишлоқ ҳудудлари томонидан бажариладиган функция ва вазифалар ҳам ўзгармоқда.

Шу муносабат билан бугунги кунда қишлоқ ҳудудларига фақат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва озиқ-овқат таъминоти нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ эмас. Бунда замонавий шароитда қишлоқ ҳудудлари томонидан бажариладиган кенг кўламли функцияларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу эса қишлоқ ҳудудларига функционал ёндашувдан фойдаланган ҳолда таъриф беришни тақозо этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” №5853-сон фармони https://lex.uz/docs/4567334
2. Chevalier P., Dedeire M., Ghiotti S., Hirczak M. and Razafimahefa L. (2010). L’espace rural euro-mediterraneen: approches methodologique et typologique. Cahiers de geographie du Quebec, vol. 54, n. 152, p. 291-312.
3. Bański J. and Mazur M. (2016). Classification of rural areas in Poland as an instrument of territorial policy. Land Use Policy. 54: 1-17.
4. Van Eupen M., Metzger M.J., Pirez-Soba M., Verburg P.H., van Doorn A. and Bunce R.G.H. (2012). A rural typology for strategic European policies. Land Use Policy, 2012/07/01, vol. 29, n. 3, p. 473-482. http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837711000846
5. Serrano, J. (2014). Approches de la ruralite dans trois pays europeens (France, Suisse, Pays-Bas). In: Larrue C. Le regime institutionnel d’une nouvelle ruralite. Analyses a partir des cas de la France, des Pays-Bas et de la Suisse. Bruxelles: P.I.E. Peter Lang. p. 25-59.
6. Copus A.K. and Noguera J. (2010). A Typology of Intermediate and Predominantly Rural NUTS 3 Regions. Bruxelles: European Union. p.51.
7. Berchoux T., Watmough G.R., Hutton C.W. and Atkinson P.M. (2019). Agricultural shocks and drivers of livelihood precariousness across rural communities. Landscape and Urban Planning. 189: 307-319.;
8. Dijkstra L., Poelman H. (2018). Regional typologies overview. Brussels: European Union. [Consultй en novembre 2019]. https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-xplained/index.php?title=Regional_typologies_overview#Urban-rural_typology_including_remoteness
9. Blanc M. (1997). La ruralite : diversite des approches. Economie rurale, n.24 – p:5-12
10. Rural Development Programmes 2014-2020 //http://ec.europa.eu/agriculture/rural-development-2014-2020/country-files/common/rdp-list_en.pdf
11. Depraz S. (2007). Quelle methode d'analyse pour le rural centre-europeen? In: Maurel M.-C., Lacquement G. Agriculture et ruralite en Europe centrale. Paris: Aux lieux d'etre. p. 19-35. / https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-01547480